

Айниқса, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган Электрон кутубхона – компьютерлар зали бир вақтда 36 нафар китобхонга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ҳамда миллий домен тармоғида кутубхонанинг виртуал мутолаа тизими орқали АКМ порталида мавжуд бўлган электрон ресурслардан эркин фойдаланиш имконияти биз ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси учун қувонарлидир.

Қолаверса, ахборот-кутубхона маркази Сурхондарё вилоятига хос маданий-маънавий мерос, илм-фан тўғрисидаги маълумотлар марказлаштирилган рақамли архив вазифасини ҳам бажаради. Истиқболда юртдошларимиз бу ерда воҳага тааллуқли барча маълумотлар билан эркин танишиш имконига эга бўлиш бирга республикамизда чоп этилаётган турли янги адабиётларнинг электрон шакли билан доимий равишда тўлдириб бориш орқали китобсеварлар сонини, мутолаа ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ниятимиз бор.

Зеро, донолар таъкидлаганидек, мамлакатнинг куч-қудрати унинг аҳолиси сони билан эмас, балки китобхони, халқининг маънавият даражаси билан ўлчанади. Мана шундай шарт-шароитлар, замон ва давр талабига мос кутубхоналар ва танзимнинг гуллаб яшнаши, ёшларнинг маънавий баркамол инсон, она юртини ардоқловчи авлод бўлиб етишишларига бекиёс ҳисса қўшиши табиийдир.



Бахтинисо ПЎЛАТОВА,
Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази Ёшлар билан маънавий-маърифий ишлар олиб бориш сектори етакчи кутубхоначиси

КУТУБХОНАДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

I also conduct the spritual publicity among youth in LIC named after Sh. Rashidov I effort to arouse perfect young generation I am as will in constant search to explain youth about the incomparably position and endeavor them to become friends with books.

Инсон ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири уларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий билимлари бўлса, барча билимларнинг калити, манбаи эса бу китобдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларининг нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармойиши билан бошлаб берилган маънавий-маърифий ташаббусини жами-

ятимизнинг кенг қатламлари зўр мамнуният билан қарши олдилар. Чунки, давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча мутасадди ташкилотларнинг китоб мутолааси, китоб маҳсулотларини нашр этиш, тарқатиш ҳақидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўларок, китобхонлик даражаси ошиб бораётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Зеро, донишманд Э. Лабуле ёзган эди: “Таракқиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг

ўрни ўша халқ ўқийган китобларнинг сони билан белгиланади”. Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам кўп сонли китобхонлар талабини қондириш мақсадида бадиий жиҳатдан ранг-баранг бўлган юксак адабиётлар билан мунтазам равишда бойитиб борилмоқда. Мен ҳам ушбу маънавият масканидаги фаолиятимда маънавий камолотда китобнинг ўрни беқиёс эканлигини эътиборга олиб, ёшларни китоб билан чиндан дўстлашишларига ҳақиқий воситачи бўлиш иштиёқида изланмоқдаман.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 сонли қарори билан тасдиқланган ҳужжатнинг 14-бандида белгиланган вазифа асосида марказимизда алоҳида йўналишлар бўйича қизиқувчи, қобилиятга ва истеъдодга эга бўлган ёшларни ўзида жамлаган “Китобхонлар клуби” ташкил этилди. Биринчи чорак якуни бўйича “Китобхонлар клуби” аъзолари иштирокида “Фикридоний китобхон” мавзусида ташкил этилган тадбир ёшларнинг маънавиятини юксалтириш интеллектуал ва маданий савиясини



ошириш, мустақил ва теран фикр юритиш малакасини ҳосил қилишда муайян ўрин тутгани аниқ. Бунга ёш китобхонларимизнинг жаҳон мумтоз ва ўзбек адабиётидан бадиий жиҳатдан юксак асарларни мутолаа қилишга интилишлари, уларнинг бу қизиқишларини уйғотишга қисман кутубхоначилар сабаб бўлаётганига ишончим комил.

Шунингдек, ёшларнинг китоб ўқишларини таъминлаш мақсадида маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида кутубхоналар ташкил этишга киришилгани ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлиги вилоят ахборот-кутубхона маркази билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб 22 январдан 27 январгача «Сайёр китоблар қарвони» шиори остида китоб ҳафталиги ҳамда «Кутубхонага китоб совға қиламан» акцияси ўтказилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Тадбир жорий йилнинг 22 январь куни Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтди. Тантанани вилоят ҳокими ўринбосари Б. Тўхтамишев очиб, ушбу ҳафталик юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим қисми эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир Рустам Мусурмон сўзга чиқиб, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтиришга эътибор қаратилаётганидан бениҳоят хурсанд бўлганини яширмади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси М. Абдурахмонова «Мустақиллик меъмори» номли маърузасида мустақилликни мустаҳкамлаш учун И. А. Каримов босиб ўтган оғир ва шарафли йўл, кучли ва оқилона олиб борилган сиёсат ҳақида иштирокчиларга мисоллар асосида батафсил сўзлаб

берди. Шунингдек, у китоб инсоннинг фикр доирасини кенгайтириб, унга чексиз маънавий-руҳий озуқа беришини, инсонни камолотга етказувчи ҳам, улуғ тарихимиздан ҳикоя қилиб, ота-боболаримизнинг ёрқин, шонли йўлини кўрсатувчи, она юрт муқаддаслигини аниқлашчи ҳам китоб эканлигини ўз шеърлари асосида тингловчиларга етказди. Ижодкорлар Холиқназар Олиш, Махфират Ризаева Ислон Каримовнинг хотирасига бағишлаб ёзилган шеърларидан ўқиб, тадбирга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Жиззах вилоят мусикали драма театрининг санъаткорлари ижросида боқий мерос соҳиблари Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Ҳамид Олимжон, Зулфия сиймоларида шеър устодларнинг ижро этилиши тадбирга янада файз бағишлади. Айниқса, Жиззах Санъат коллежининг иқтидорли жамоаси ижросидаги куй-кўшиқ ва рақслар тадбир иштирокчилари калбига ўзгача шукҳ берди ва катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, ҳафталик дои расида Жиззах санъат коллежининг “Китоб муқовалаш” ҳамда “Рассомчилик” тўғараги, вилоят болалар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси, Жиззах давлат педагогика институти ахборот-ресурс маркази, Жиззах Политехника институти ахборот-ресурс марказлари томонидан мавзу юзасидан китоб кўргазмалари, электрон нашрлар кўргазмаси ва китоб савдо ярмаркалари ҳамда “Кутубхонага китоб совға қиламан” акциясининг ташкил этилиши барча туман ташкилотларидан, ўқув муассасаларидан келган иштирокчилар ва кенг китобхонлар оммасига китоб оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиш, ўзи севган бадиий адабиётларини сотиб олиш каби имкониятлар яратишга хизмат қилди. Ҳафталик давомида вилоятнинг барча ҳудудларида, жумладан, Бахмал, Зомин, Мирзачўл, Фориш туманларида ҳам туркум тадбирлар бўлиб ўтди.

Ҳафталикда фаол қатнашган туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, китобхон ёшлар, оилалар ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Вилоятда ўтказилган туркум тадбирлар орасида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида жажжи кутубхоналар ташкил этилгани ҳафталикдан қолган маърифий из сифатида алоҳида таассурот қолдирди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг “Бобур” МФЙда 229 нусха, Шароф Рашидов туманининг “Қулписар” МФЙда 184 нусха, Зафаробод туманининг “Нурафшон” МФЙда 179 нусха, Арнасой туманининг “Чулкувар” ҚФЙда 154 нусха, Дўстлик туманининг “Бунёдкор” ҚФЙда 140 нусха, Пахтакор туманининг “Маданият” бўлимида 182 нусха, Янгиобод туманининг “Хавотоғ” МФЙда 128 нусха, Зарбдор туманининг “Нурафшон” МФЙда 151 нусха ҳамда Ғаллаорол туманининг “Гулчамбар” МФЙда 286 нусхадаги адабиётлардан жамланган жажжи кутубхоналар китобсеварлар қалбига ўзгача илиқлик олиб кирди.

Ахборот-кутубхона марказида бундай тадбирлардан ташқари ҳар ойда барча таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчи ва талабалар ўртасида саёҳат ташкил этилиши ҳам ёшларимизнинг кутубхона билан яқин бўлиши учун яна бир имконият эшигидир. Саёҳат давомида янги келган адабиётларнинг рўйхати, уларнинг қисқача мазмуни, ўтказилган барча тадбирлар ва муҳим саналар асосида қизиқарли тақдимот тарзида маълумотлар билан таништириб борилади. Ушбу жараёнда барча тадбир иштирокчилари саволлар билан мурожаат қилиши, ўз қизиқишларини билдириши ва келгусида яна қандай мавзулар бўйича ахборотлар кераклигини баён этганларида ёшларнинг китобга бефарқ эмаслиги, табиийки, биз кутубхона ходимларига шижоат бағишлайди.



АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

Марказимизда китобхонлар қизиқиши жиддий эътибор билан доимий ўрганиб борилади. Айниқса, китобхон ёшларнинг турли йўналишлар асосидаги қизиқишлари алоҳида ўрганилиб, 20 нафар ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, йўл-йўриқлар кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда “Назм гулшани” номли тўғарак ташкил этилди. Тўғаракка шоир ва ёзувчилар таклиф этилиб, улар ҳаваскор ёшларимизга ижод сирлари тўғрисида машғулотлар олиб борадилар. Машғулотларда иштирокчиларнинг китобхонлик даражаси ҳам алоҳида эътиборга олинади. “Зукко ижодкор китобсевар”, “Умид ниҳоллари” каби кўрик-танловларга ёшлар тўғарак аъзоларидан тавсия этилади.

Жумладан, “Умид ниҳоллари” мавзусидаги кўрик-танлови шеър ёзадиган ҳамда мусиқага қизиқадиган иқтидорли ёшлар ўртасида “Назм” ва “Санъат” йўналишларида ўтказилиб, қобилият ва маҳоратлари баҳоланади. Масалан, “Назм” йўналиши бўйича Тиббиёт коллежи талабаси М. Назарматова 1-даражали, Санъат коллежи талабалари Г. Қудратова 2-даражали, С. Низомова 3-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

“Санъат” йўналиши бўйича куч синашган Санъат коллежининг “Академик хонандалик” бўлими талабаси Ф. Улуғназарова 1-даражали, Х. Тожибоев 2-даражали ҳамда “Эстрада хонандалик” бўлими талабаси А. Баҳодиров 3-даражали дипломга сазовор бўлдилар.

“Зукко ижодкор китобсеварлар” кўрик-танлови эса Жиззах давлат педагогика институти ва Жиззах педагогика коллежи, Жиззах тиббиёт коллежининг ижодкор ёшлари ўртасида жуда қизиқарли ва кўтаринки тарзда ўтказилди. Ёшлар асосан ўз ўқув юрти



номидан гуруҳларга ажралган ҳолда иштирок этдилар, тўплаган баҳолар якунига кўра “Назм” гуруҳи 1- ўрин, “Зиё” гуруҳи 2- ўрин, “Нурли келажак” гуруҳи 3- ўринга муносиб топилиб, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди.

Албатта, ёшларимиз ўртасида ўтказилган китобхонлик танловлари уларнинг дунёқарабини оширишга, ўз олдиларига қўйган мақсадлари сари интилишларида зинапоя вазифасини ўтайди ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ва қизиқарли ўтишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Дени Дидро айтганидек, агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан. Менинг ҳам келажакдаги ягона мақсадим ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиб, мамлакатимизда мутолаа маданиятининг ривожланишига имкон қадар ҳисса қўшишдир.

